

Ли Су-хо:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАШРИФИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ УЧУН МУҲИМ ВОҚЕАДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Завод қурилиши билан унга хизмат қилувчи кўлаб кичик ва ўрта йўлдош корхоналари шакллантириш имконияти юзага келади. Улар завод маҳсулотларини қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматга эга бўлган товарларга айлантиради. Шунингдек, бу лойиҳа Ўзбекистон автомобиль саноати учун бутловчи қисмларни маҳаллий корхоналарда тайёрлашга янада кенгроқ йўл очади.

Британиянинг «Reuters» ахборот агентлиги ўз хабарига ташриф давомида имзоланган сармоявий битимларга урғу бериб ўтган. Хусусан, «Ўзбекнефтегаз» ҳамда «KOGAS» етацилигидаги Корёя консорциумлари ўртасида тузилган қўшма корхона лойиҳаси нафақат газ конларини ўзлаштириш, балки газнинг мажмуаси қурилишини назарда тутгани тасдиқланади. «Ўзбекистон фарбиди» ҳамда «Орол денгизи» хавзаси яқиндаги конлар табиий газнинг улкан захирасига эга. Бу ерда қазилган газнинг ҳамда завод қурилиши 2009 йилнинг март ойида бошланади. 2012 йилнинг сўғида эса бозорга маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда», дейилади мазкур хабарда.

Буёқ Британиянинг «Just»

Auto» иختисослашган журнали Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корёяга ташрифи чоғида «Ўзавтосаноат» ва «GMDAT» ўртасида имзоланган қатор ҳужжатларга бағишланган махсус мақолаи чоп этди.

«GMDAT» компанияси «Ўзавтосаноат»га дунёга машҳур «Шеролет» автомобиль русуми билан Ўзбекистоннинг ички бозорига ҳамда МДХ мамлакатлари ҳудудида савдо қилиш ҳуқуқини берди. Эришилган битимга мувофиқ, Ўзбекистонда «Шеролет» маркасининг туртинчи моделини ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. «GM» эса қўшма корхонанинг 25 фоизлик улушига эгалик қилиб, технологияларни етказиб беради ва Асака заводида меҳнат қилаётган 4,7 минг нафар ходимнинг малакасини оширади.

Мақолада Президентимиз И. Каримовнинг қуйидаги сўзлари келтирилади: «Ўзавтосаноат» ва «GM» ўртасидаги шериклик Ўзбекистон автомобилсозлик саноати тараққиётини янги bosқичга олиб чиқишга ёрдам беради. Бизнинг бosh вазифамиз — ўзбек халқига замонавий, бежирим ва қулай автомобильларни ташлашда кенг имконият яратиб, ўзбекистонликлар манфаатига хизмат қиладиган жаҳон андозалари даражасидаги саноатни барпо этишдир».

Исламобод сийбей тадқиқотлар институтининг таниқли экспедити, доктор Аҳмад Рашид Малик таъкидлаганидек, «Ислам Каримов президентлик лавозимига қайта сайланганидан сўнг ўзининг иккинчи хорижий ташрифини Корёя Республикасига амалга оширди. Бу ўзбекистон раҳбарининг ташқи сийсат йўналиши изчиллиги ва мувозанатланганлигида далолат берадики, у юқори технология ва сармоявий имкониятларга эга бўлган Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари билан муносабатларнинг кўп томонлама ривожига муҳим аҳамият қаратмоқда».

Брюсселдаги Европа халқаро муносабатлар институти етакчи илмий ходими Б. Тадонинг фикрига кўра, «Ўзбекистон ва Корёя Республикаларини кўп йиллик гуманитар ҳамда маданий соҳадаги ришталар ўзаро боғлаб туради. Мамлакатда корёей миллатига мансуб кўп сонли аҳоли вакиллари истиқолик ҳолида. Бундан ташқари, ҳар икки халқ хусусиятидаги умумий ўхшашлик, айниқса, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш йўлидаги меҳнатсеварлиги ва азму шижоати мазкур давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг мустақам асоси ҳисобланади.

«JYC International» тадқиқот марказининг бош директори,

Франция стратегия ва дипломатия тадқиқотлари маркази етакчи эксперти Ж.И. Шевалье куйидаги фикрни билдирди: «Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Корёя Республикасига ташрифи, аввало, иқтисодий нуқтаи назардан катта аҳамиятга эгадир. Зеро, унинг яқунлари бўйича эришилган амалий натижалар буни тасдиқлайди.

«Korean Air» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниялари ўртасида имзоланган ҳамда Ўзбекистоннинг «Sky Team» халқаро авиация бирлашмасига қўшилишини назарда тутувчи ҳужжат юртингиз учун кенг истиқболлар эшигини очиб беради. Бинобарин, ушбу уюшмага «Aire France» ва «KLM» каби йирик авиакомпаниялар ҳам кирган. Шу маънода ишон билан айта оламизки, Ўзбекистон келгусида ўз стратегик ва географик ўрнидан келиб чиққан ҳолда халқаро миқдосда авиациянинг ва юқори ташқи босқичдаги йирик марказлардан бирига айланиши мумкин».

«Корёя — Ўзбекистон» дўст-лик уюшмаси президенти Ким Юн-сик Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов номига йўллаган ўз миннатдорлик мактубида мамлакат раҳбарига ташкил этил-

ган учрашув учун чуқур ахтиромини билдирган. Унда қуйидаги сўзлар ўз ифодасини топган: «Ўзини ушамиз аъзолари билан Ўзбекистон ва Корёя ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш истиқболлари ҳақида фикр алмашдингиз. Мазкур учрашув Жанубий Корёя жамоатчилиги нигоҳида Ўзбекистон Президентини мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстликни мустақамлаш ҳамда уни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди».

Ким Юн-сик ўз мактубида таъкидлаганича, Корёянинг янги сайланган президенти Ли Мён Бак қасам-ёд қабул қилиш маросимида Ислам Каримовнинг асосий меҳмон сифатида иштирок этиши, шундан сўнг улар ўртасида самарали мулоқот бўлиб ўтгани Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузи тобора ўсиб бораётганидан, Корёя Республикаси унинг ишончли сийбей ва иқтисодий шеригига айланганидан аққол далолат беради.

«Бетакорор юртингизда 16 йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият олиб бораётган тадбиркор сифатида Сизнинг ташрифингиз асосида мамлакатларимиз ишбилармон доиралари етакчилари ўртасида эришилган кенг қўламли келишувлар Жанубий Корёя иқтисодий ривожланишининг мақсад ва вазифаларига тўла мос келишига ишонаман. Ушбу шартномаларнинг биргаликда ва муваффақиятли тарзда ҳаётга татбиқ этилиши давлатларимиз ва халқларимиз ўртасида аънанавий дўстлик ҳамда ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилади», деб ёзади Ким Юн-сик.

«Жаҳон» АА.

Умумреспублика экологик хашари

Баҳорнинг илк кунини «Экосан» халқаро ташкилотнинг ташаббуси билан ўтказилган «Экология ва саломатлик кунлари»нинг Ёшлар йили ҳамда Наврўз байрамига бағишланган биринчи босқич тадбирлари доирасида умумреспублика экологик хашари ташкил этилди.

Ёшлар боғига асос солинди

Хашарни ўтказиш республика штабидан олинган маълумотларга қараганда, унда 8 миллион нафар киши иштирок этди. 7 мингтадан ортиқ ёшлар бўлимида ёшлар боғини узуниликдаги ариқ, зовур ва каналлар тозаланди, ҳар бир 4 мингта зибратгоҳ обод қилинди.

Тадбирда, айниқса, олий ўқув юрталари талабалари, ёшлар фаолият қатнашчилари, Улар асосий муҳим ободлаштириш ишларидан ташқари, «Хар бир ёш бир тул қўнат экса» шiori остида чекол қўладилар. Натijaда 100 гектар майдонга янги боғларга асос солинди.

Аънанга кўра, шу кунни пойтахтимиздаги «Ботаника» боғида ҳам хашар уюштирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, санат ва адабийт намояндалари, бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

«Экосан» халқаро ташкилот раҳбари Ю. Шодиметовнинг айтишича, экологик хашардан тушган маблағ ёш оилаларни, хусусан, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, Оролбўйи ҳамда мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидаги ижтимоий соҳа объектларига «Саломатлик поездалари»ни жўнатишга сарфланади.

С. РАҲМОНОВ.

Болажонлар фестивали

Пойтахтимизда «Болажонлар-ширинтойлар» болалар модаси фестивали бошланди. Ушбу фестивалда болалар либосларининг ўзинга хос жиҳатлари ва йўналишлари намойиш этилади.

Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағғармаси ҳамда «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда, — дейди ассоциация раҳбари Холида Комилова. — Уч йўналишда ташкиллаштирилган «Болажонлар-ширинтойлар» фестивали болалар мода дунёсининг янги йўналиши ва кирраларини очиб беради. Сабоби, ушбу фестивалда мамлакатимизнинг етаски дизайнерлари ўз иход намуналари билан қатнашиб, ўзаро тажриба алмашадилар.

Жорий йилда, шунингдек, ил бор фестивал доирасида дизайнерлар учун «Битирув кечаси», «Булажақ оналар» ҳамда «Мактаб формаси» мавзуларида таълиқлар ўтказилади. Танловда мамлакатимизнинг олти вилоятдан 27 нафар дизайнер иштирок этапти. Унда жами 202 та янги либос намойиши кўзда тутилмоқда.

Омонулла ФАЙЗЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кун тартибидида — тиббий маданият

Мамлакатимизда Қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, маҳаллий Кенгашлар қабул қилган қарорларни ҳаётга татбиқ этишда доимий комиссиялар кўмағидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши қошида фаолият қўриштириб келаётган 6 та доимий комиссия иқтисодий жиҳатдан жадаллаштириш, қуниқлик турмушдаги долзарб масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Улардан бири — ижтимоий-маданий масалаларни ривожлантириш, ёшлар сийбати ва соғлом авлод йўналиши билан шугулланадиган комиссиядир.

Вилоятда жамоатчилик билан юзма-юз мулоқотларни кенг йўлга қўйиш орқали аҳоли ижтимоий-сийбей фаолигини ошириш, аниқланган мавжуд камчилик ва муаммоларни жойларнинг ўзида бартараф этиш доимий ҳолга айланди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисидаги қарорини рўйбга чиқариш юзасидан қатор учрашув-

лар ўтказилди. Шу мулоқот сабаб, кишлоқ врачлик пункти жамоаси ва бошқа мутасаддилар бу ишга янада фаолроқ киришиб кетишти. Иштирокчи ёшлар йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилувчи марказлар фаолиятини кучайтириш тўғрисидаги тақлифлар билан чиқишти. Норин, Учқўрғон, Уйчи туманларидаги ахборот-ресурс марказлари, кишлоқ маданият уйларидаги ахволни яқиндан

ўрганиб чиққан доимий комиссия уларнинг талаблари тўғри эканлигини аниқлади. Жиддий муҳомадан сўнг жойларда ахвол ўзгарди, ишлар жонланди. Поп туманининг тоғ этагидаги чекка кишлоғи — Чодакдаги мулоқот чоғида одамлар оилада тиббий маданиятни юксалтириш масаласини кун тартибига қўйди. — Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш асосий вазифаларимиздан, — дей-

ди доимий комиссия раиси Нортоқи Юсупова. — Шунинг учун аёлларнинг соғлиғига катта эътибор қаратаймиз. Бундан ташқари, оила қуриш мақсадида ФХДЕга ариза берган йигит-қизларнинг тиббий қуриқдан номгагина ўтишининг олдини олиш мақсадида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўтган сессияларидан бирида оилада тиббий маданиятни ошириш масаласини муҳома қилиб боряймиз.

Доимий комиссия қўриқдаги сессияда қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқоти кучайтириди. Амалий учрашувларнинг биринчиси — Поп туманида ташкил этилган семинарда оилада тиббий маданиятни юксалтириш масала-

си билан бир қаторда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш, интеллектуал савиясини юксалтириш сингари вазифалар хусусида ҳам атрафлича гап борди. Чуст, Мингбулоқдаги тадбирлар чоғида эса худудлардаги ободончилик, санатория юмушларини ташкил этиш масалалари бўйича келишиб олинди.

— Ёшлар йили»да амалга оширилган юмушларни ўз ичига олган чора-тадбирлар режасини тузиб олдик, — дейди пировардида Н. Юсупова. — Улар орасида ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, шунингдек, касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган кичик мухтаassisларни тўла ишга joyлаштириш вазифалари ҳам бор.

Қудратилла НАЖИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА



Сенат аъзолари ва депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари доим қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлиши, ташбиҳ. Ҳаммаи турли масалалар қизқитиради. Кимдир ҳуқуқ масаласида, яна кимдир молия соҳасида, бошқаси эса шижоат юзасидан қонунчилик органидаги ўз вақилига савол билан мунозабат қилади ва албатта, ҳар бир савол эгаси батафсил жавоб олишни истайди.

Данғаралик Сенат аъзоси Анваржон Мирсодиқов ўз сайловчилари билан бўладиган учрашувларга жиддий тайёргарлик кўради. Барча соҳаларда кечатган охири ўзгаришлардан хобабар бўлишга ҳарқат қилади. — Бундай учрашувлар

нафақат сайловчиларга, балки биз — Сенат аъзоларига ҳам кўп томонлама фойдалидир, — дейди Анвар Мирсодиқов. — Биз Олий Мажлисда қабул қилган қонунлар ҳақида уларни имкон қадар тўлиқроқ хабардор этишга, бунда, биринчи навбатда, халқ манфаатлари инобатга олингани хусусида сўзлаб берамиз. Қолаверса, сайловчилардан тунган тақлиф ва мунозабалардан ўз фойдаланиш

СУРАТДА: Олий Мажлис Сенати аъзоси А. Мирсодиқов Найманча кишлоғидаги автотранспорт касб-ҳунар коллежи талабалари давраида.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Қашқадарь вилояти хотин-қизлар кўмитаси «Ижодкор аёллар» уюшмаси билан ҳамкорликда «Эзгу сўз, эзгу амал» мавзусидаги тадбирини Қарши шаҳрининг қадимий маркази — Регистон майдонидаги Одина масжидида ўтказди.

«ЭЗГУ СЎЗ, ЭЗГУ АМАЛ»

Соҳибқирон Амр Темур даврида қурилган бу масжид мустабил тузум даврида хибсхонага айланган эди. Бугунги кунда қайтадан тазмирланиб, у тарма ташкил этилган «Ўзликни англаш маркази» вилоят ёшлари ва меҳмонларнинг севимли маскани бўлиб қолди.

Вилоятнинг фаол аёллари анжумани маркази экспонатлари билан танишишдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Машқура Сафаева, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Инобат Каримова, «Ижодкор аёллар уюшмаси» раиси Шарофат Ашурованинг мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, ўзликни тўла-тўқис намоён этиши учун қулайликлар яратиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги дил сўзлари мушоираю куй-қўшиққа уланиб кетди.

Тадбир

Н. БҮРИЕВ.

Бугунги дунёда ахборот технологиялари соҳаси кенг тараққий этиб, тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятни ахборот технологияларидан жиний мақсадларда фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш муаммосини келтириб чиқармоқда. Шу маънода, ахборот технологиялари ривожининг

ҳозирги босқичида мазкур соҳани тартибга солиш ва ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш долзарб масала бўлиб қолаётди. Чунончи, ахборот технологиялари тизими ривожланганлиги оқибатида, табиийки, ҳуқуқбузарликларнинг ҳам янги турлари кириб келмоқда.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ДАВР

Аммо, бугунги кунда бу турдаги жиноятларнинг кириб келиш хавфи юқорилик, ижтимоий хавфли оқибатларнинг катталиги, етказилган зарарнинг кўпчилиги, мазкур жиноятлар учун Жиноят кодексига жавобгарликни назарда тутувчи фақат биттагина модда (174-модда)нинг мавжудлиги, у ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг барча турларини камраб олганлигини кишишни ўйлан-тирар ва ахборотлаштириш соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш учун жиний жаобгарликни кучайтиришни таъқозо этади.

Юқоридagi ҳолатларни чуқур тақли қилган ҳолда яқинда кунга кириш қиладиларини бузиш» номли 174-модда чикариб ташлагани ва унда белгиланган ижтимоий хавфли қилиштирилган ушбу жаобгарлик ЖКга киритилган «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» номли ХХ бобда алоҳида 278-моддада акс этди. Киририлган янги бобда «Ахборотлаштириш қондаларини бузиш» (278-модда), «Компьютер ахборотидан кунгунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» (278-модда), «Компьютер тизимидан кунгунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» (278-модда), «Компьютер тизимидан кунгунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» (278-модда), «Компьютер ахборотини мо-

дидан Жиноят кодексининг 174-моддан чиқарилди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилган 278-278-моддаларидан белгиланган жиноятлар бўйича дастлабки терговини ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилиши белгиланди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жаобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Транспортдаги, йўл ҳўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун мазмурий жаобгарлик» номли XI бобига «Компьютер тизимидан фойдаланиш қондаларини бузиш» номли янги 155-модда киритилди. Унга кўра, компьютер тизимидан фой-

дификациялаштириш» (278-модда); «Компьютер саботаж» (278-модда); «Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш» (278-модда)лардан иборат моддалар ўрин олган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддаси бешинчи қис-

Қонун кучга кирди

даланишга рухсати бўлган шахсининг ушбу тизимдан фойдаланишининг белгиланган қондаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлатилишини бузилишига сабаб бўлса, мазмурий жаобгарликка тортилиши белгиланди.

Ушбу қонун билан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ахборот соҳасидаги жиноятларнинг халқаро стандартларда белгиланган қондаларга мос ҳимда Европа ва МДХ давлатлари қонунчилигининг ижобий томонларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилганлигини кўриш мумкин. Қонун мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, бу соҳадаги жиноятчиликда латентликни камайтириш, унга қарши аниқ чора-тадбирлар асосида курашиш, шунингдек, жамиятни ахборот технологияларидан жиний мақсадларда фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш муаммосини ҳал этиш ва ахборотлаштириш соҳасини муҳофаза қилишнинг таъминлаш имконини беради.

Нодир МУҲТОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдор қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қумли довул

Кеча Жанубий Корейнинг кўп қисмини токсин моддаларидан иборат қумли довул босди.

Бу довул таркибида оғир металл кукунлари ва бир қанча зарарли моддалар мавжуд, дея хабар беради "Рейтер" ахборот агентлиги. Мамлакатда хавфсизлик чораларини кўриш мақсадида мактаблар ва қатор ташкилотлар вақтинчалик ёпиб қўйилди. Ҳукумат вакиллари ота-оналарни болаларни кўчага чиқармасликларини сўраб огоҳлантирди.

Эслатиб ўтайтиш, ҳар йили баҳор фаслининг кириб келишида Жанубий Корейда шундай бурон кўтарилади.

Энг катта яхта сотилди

Лондоннинг "Челси" клуби раҳбари, дунёга таниқли миллиардер кишилардан бири Роман Абрамович ўзига янги яхта сотиб олди.

"Сигма" русумидаги бу мегаяхта дунёдаги энг катта яхта ҳисобланади. Германия омавий ахборот воситалари хабарларида келтирилишича, яхтанинг узунлиги 130 метрга тенг. Унинг нархи аниқ айтимасан-да, мутахассислар кема узунлигининг ҳар бир метри миллион долларга тенг, деб баҳолашмоқда.

«Эмма» келтирган фожиа

Европа давлатларида кўтарилаётган «Эмма» тўфони 13 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, табиий офат оқибатида Германияда беш, Австрияда тўрт, Польша ва Чехияда икки киши ҳалок бўлди. Уларнинг кўпчилиги йўл ҳаракати ҳодисаси ва даракларнинг қулаши натижасида ҳаётдан кўз юмган.

Маълумотларда келтирилишича, бўроннинг тезлиги секундига 55 метрга етган.

Қизлар тезроқ тил топишади

Компьютердан фойдаланишда йиғилардан кўра, қизлар ўқувирок экан. "Tesco Computers" маркази томонидан ўтказилган тадқиқотда шундай ҳулосага келинди.

"Би-би-си ньюс" хабарига кўра, қизларнинг 6 фоизи, йиғиларнинг эса 10 фоизи компьютердан ишонсизлик билан фойдаланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

чақалоқларда патологик ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олиш мақсадида ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- ҳомилдор аёлларни перинатал скрининг текширувларидан ҳамда чақалоқлардаги туғма гипотериоз, фенилкетонурия ва муковисцидозни аниқлаш учун «Дельфия-Виктор» аппаратида ишлатиладиган диагностика тўпламлар;
- туғма фенилкетонурияли чақалоқлар учун болалар шифобахш озиғи.

Мазкур лойиҳа доирасида эълон қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар тендер савдосида қатнашишга таклиф қилинади.

Тендерда иштирок этиш учун имзоланган ариза ҳамда тўловнома нусхаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига топширилгандан кейин куйидаги манзилдан шахсан ёки курьер хизмати орқали тендер ҳужжатлари тўпламини олиш мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи — 500 (беш юз) АҚШ доллари ёки эквивалент миқдорда ўзбек сўмида, тўлов ўтказиладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича.

Банк орқали тўлов куйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак:

- АҚШ долларида ҳисоб рақами 20212840600431338001, банк коди 00407, УзР ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар бўлими, СТИР 200548507;
- Ўзбек сўмида ҳисоб рақами 20212000000431338001, банк коди 00407, УзР ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар бўлими, СТИР 200548507.

Тендер ўтказилишига доир саволлар билан куйидаги манзилга мурожаат этишингиз сўралади. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Кўкюн йўли» кўчаси, (аввалги Охунбобоев), 15-уй. Тел.: (+998 71) 232-00-82/83. Факс: (+998 71) 233-89-49. e-mail: fondsau@uzsci.net

Тендер таклифларини топшириш бўйича охириг мuddат — 2008 йил 7 апрель соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан).

«PK TREXGORKA» ЁАЖ

- Ўзи ишлаб чиқарган том қопламаларини (руберионди) сотади.
- Ўз маҳсулотидан томларни юмшоқ қоплама билан қоплайди ва таъмирлайди.
- Қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Маҳсулот сертификатланган
NSS UZ. 01.143.0513752

245-10-32, 245-11-72, 245-11-82

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Кўкаламзорлаштириш КЎЧАТХОНА

пул ўтказиш йўли билан

манзарали, игнабаргли, япроқли дарахт ва буталар — қарағайлар, арчалар, қора арча, туя дарахтлари, юккалар, каштанлар, толлар, шамшод, бересклет, хинд сирени, Сурия атиргулини сотади.

Офис ва қишки бог учун пальмалар: хурмо, трахикарпус, вашигтония.

Мева берувчи апельсин, мандарин, лимон дарахтлари.

Кўкаламзорлаштириш, ландшафт дизайни.

Манзил: 100187, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Қўрбонов к., 91-уй, 16, 89-автобусларнинг «Автомўлмеҳбаза» бекати. Мўлжал — масжид. Телефон: 266-88-68. Уяли телефон: 317-33-45, 387-16-57.

Хурматли юртдошлар!

Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига куйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат этган шахснинг исми-шарифи сир сақланиши кафолатланади.

«Ишонч телефонлари» рақамлари:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-371) 233-22-33	(8-371) 233-39-39
Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-361) 222-56-76	
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси	(8-371) 232-03-30	
Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-374) 224-87-50	
Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-365) 224-64-86	
Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-372) 226-03-02	
Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-436) 223-06-71	
Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-369) 226-60-55	
Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-366) 223-00-05	
Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-367) 225-33-30	
Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-376) 227-25-51	
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 264-18-32	
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-373) 224-29-08	
Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-362) 226-37-10	
Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-375) 221-82-45	
Транспорт Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 252-61-39	

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПГС» Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси куйидагиларни тайёрлаб бериш учун бюортмалар қабул қилади:

- электр калорифер-иситкичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
- электр калорифер-иситкичлар (маиший, қуввати — 1, 8 кВт);
- мини новвойхоналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);
- электр қозонлар (кўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
- кабоб пиширадиган электр кўралар (умумий оғқатланиш корхоналари учун ва маиший), қуввати — 1,7-6 кВт;
- сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.

Бюортмаларни куйидаги манзилларга: Тошкент ш., Гавҳар к., 125-уй, электрон почта: e-mail: pgs4@yandex.ru ёки 279-38-54 тел./факси орқали юбориш мумкин.

2008 йил 31 мартгача бюортма берган ташкилотлар биринчи навбатда ушбу кунгача бўлган нархда жиҳозларни харид қилдилар.

Маҳсулот сертификатланган.

Жиҳозлар Давлат ёнгинга қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга рухсат этилган.

«АКТИВ-INVEST» кредит уюшмаси

атиғи 5000 сўм эвазига пайчи бўлишга таклиф этади.

Омонатлар (депозитлар)ни қабул қиламиз:

- 1 йилдан 2 йилгача муддатга, йиллик **46%**, фоизлар шартнома муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади;
- 3 ойдан 1 йилгача муддатга, йиллик **36%**, фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Гаровга кредит берамиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 46-лицензияси.

Тел./факс: 235-57-25, 234-94-38, 234-73-99.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
кундузги бўлимини 2007-2008 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида статистик маълумот

№	Мутахассислик йўналишлари	Бакалаврият																	Магистратура																								
		Касб таълими																	Жами																								
		Озиқ-овқат технологияси	Нефть ва газ иши	Иқтисодиёт	Маркетинг	Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси	Тўқимачилик, енгил ва коғоз саноати бўғимлари кимёвий технологияси	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси	Енгил саноат маҳсулотлари технологияси	Абсорбт ва ахборот технологияси	Электрэнергетика	Бинологлар ва саноат иншоотлари қурилиши	Менеджмент	Транспорт воситаларидан фойдаланиш	Машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва машинасозлик ишлаб чиқаришни автоматлаштириш	Технологик машина ва жиҳозлар	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси	Озиқ-овқат технологияси	Технологик машина ва жиҳозлар	Электр энергетикаси	Тўқимачилик, енгил ва коғоз саноати бўғимлари кимёвий технологияси	Нефть ва газ иши	Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси	Бинологлар ва саноат иншоотлари қурилиши	Менеджмент	Жами	Умумий оғқатланишни ташкил этиш ва унинг технологияси	Умумий оғқатланишни ишлаб чиқариш технологияси	Егларни қайта ишлаш технологияси	Дон ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини соғлаш, дестаблажи ишлаб бериш	Тикув маҳсулотлари технологияси	Йиғирув технологияси	Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси	Қурилиш конструкциялари, бинологлар ва иншоотлар	Тармоқ иқтисодиёти	Менеджмент	Озиқ-овқат саноати машина ва аппаратлари	Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари	Вино ишлаб чиқариш технологияси	Нефть ва газ қонларини илгга тушириш ва улардан фойдаланиш	Жами		
1.	Бухоро шаҳри	20	17	24	7	3	2	1	1	14	36	6	5	15	5	1	6	2	1	14	2	7	7	23	209	2	2	3	1	2	3	14	5	3	3	3	1	39					
2.	Когон тумани	2	3	5	2	2	1	1	1	1	5	3	3	4	1	1	1	1	1	1	1	1	1	7	60														9				
3.	Бухоро тумани	6	2	7	1	2	2	2	2	2	8	3	7	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	7	75															4			
4.	Жондор тумани	6	6	6	3	3	2	2	2	5	4	4	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	52															7			
5.	Вобкент тумани	2	4	6	5	2	1	1	1	6	5	3	5	9	2	2	2	2	2	2	2	2	2	5	61															4			
6.	Ромитан тумани	4	4	5	5	1	1	1	1	1	1	1	7	3	2	2	2	2	2	2	2	2	2	3	49															1			
7.	Шофиркон тумани	2	9	5	1	1	5	2	10	12	1	1	5	3	2	2	4	3	1	3	1	3	1	3	80															4			
8.	Ғиждувон тумани	2	3	4	1	1	3	2	4	4	2	1	3	4	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	49															1			
9.	Коракўл тумани	5	4	1	1	1	1	1	1	1	1	4	1	3	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	34															1			
10.	Олот тумани	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	20															5			
11.	Пешку тумани	3	2	3	1	1	4	3	1	1	1	3	2	3	1	1	1	1	1	1	1	1	1	10	49																1		
12.	Коровулбозор тумани	8	1	1	1	1	4	3	1	1	1	1	3	2	3	1	1	1	1	1	1	1	1	14	14															1			
13.	Навоий вилояти	3	2	2	3	1	5	1	1	1	1	1	2	1	2	1	2	2	2	2	2	2	3	38																	1		
14.	Қашқадарё вилояти	1	1	1	1	1	2	1	1	1	1	2	1	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	38																1		
15.	Самарқанд вилояти	1	1	1	1	1	2	1	1	1	1	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	8	5																1		
16.	Хоразм вилояти	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	5	8																1		
17.	Наманган вилояти	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	9	1																1		
18.	Андижон вилояти	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	2																1		
19.	Сурхондарё вилояти	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	2																1		
20.	Фарғона вилояти	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1																1		
21.	Жиззах вилояти																							1	1																		1
22.	Тошкент шаҳри																							1	1																		1
23.	Қорақалпоғистон																							1	1																		2
	Жами	6																																									

ШОИРА БОҚИЙЛИГИНИНГ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари Шарқнинг фозила аёллари бошлаган эзгу аъёнларни XX асрда янада бойитиб, янги поғонага кўтарган атоқли шоира ва жамоат арбоби Зулфиянинг бетакдор ижоди ва ёрқин шахсиятига ҳамisha алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келаятгани юртимиз жамоатчилигига, аиникса, адабиёт аҳлига яхши маълум. Истиклолнинг дастлабки йилларида улғу шоиранинг "Дўстлик" ордени билан тақдирлангани, 80 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан Президентимиз шоирага махсус табрик йўлаб, Зулфия опа-ни самимий кутлагани, ижодий-иқтисодий фаолиятига юксак баҳо бергани ҳам шундан далолатдир.



Ана шундай юксак эътибор туфайли Президентимизнинг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган Фармони асосида мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг тасвир этилиши адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида изланаётган, фан, фидойи, ташаббускор ва иқтидорли кизларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган даврда ўзининг аъло билими ва ҳулиқи, адабиёт ва санъат соҳасидаги истеъдодини намойиш қилаётган юз нафардан зиёд иқтидорли киз ушбу

мукофотга сазовор бўлди. Ҳозирги кунда маънавий ҳаётимизда фан иштироки эътиб, кўпчиликка ўрнак бўлаётган бу кизлар тимсолида эл-юртимиз келгусида Зулфияноним каби Ватанимиз шuhrатини дунёга таратадиган юксак шахсият, ақл ва тафаккур соҳибаларини кўришни орозу қилади.

Ардқли шоира ҳайкалининг очилиши Халқаро хотин-қизлар кўни — 8 март арафасига тўғри келганида ҳам ўзига хос маъно бор. Таниқли адабларимиздан бири таърифлаганидек, Зулфия ўзбек маданияти, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган «Саодат» журнаliga узоқ йиллар муҳаррирлик қилиб, хотин-қизлар истиқболи йўлида курашиб келган жамоат арбоби

эди. Зулфия неча-неча қизнинг қўлидан тутиб, адабиёт даргоҳига бошлаб келган, уларга йўл-йўриқ кўрсатган меҳрибон, аимо талабчан устоз, нозик таъб, зукко аёл, садоқатли ёр, меҳрибон она, буви эди.

Улғу шоира ўз шеърларидан бирида инсон руҳининг боқийлиги, эзгулик ва адроланинг абадийлиги ҳақида фикр юритиб, «Бахтим шу — ўзбекининг Зулфиясиман» деб ёзган эди. Мазкур муҳташам ёдгорлик тимсолида Зулфия ўзининг ибратли умри, беназир истеъдоди ва ёрқин шахсияти билан халқимиз қалбидан теран жой олганига, унинг қўлтуғ номи ва ўлмас мероси безавол яшаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Тадбир иштирокчилари Зулфия ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Эндиликда санъат ва адабиёт, ёшлик ва гўзаллик нафаси уфуриб турган бу файзли хиёбон наинки буюк шоира хотирасига, аини чоғда муқаддас аёл зоти-га ҳурмат баҳо келтириладиган табарруқ қадамгожа айланажак.

Ғулом МИРЗО,
ЎЗА МУХБИРИ,
Темур КҮРБОНОВЕВ
олган сурат.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида «Энг ибратли ҳарбий оила» кўрик-танлови ўтказилди. Унда мазкур билим юрти ҳарбий хизматчилари оилалари иштирок этди.

ЭНГ ИБРАТЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА

Улар «Дадам, аям ва мен — соғлом оиламиз», «Меҳр тафти», «Тафаккур гулшани», «Ширин таом — ширин калом», «Истеъдод» каби шартлар бўйича беллашдилар. Биринчи ўрин майор Олим ва Гулнора Қултоевлар оиласига насиб этди. Кичик сержант Суяруқул Ҳасановлар оиласи иккинчи, сержант Сайфулла Сиддиқов оиласи учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолиблар билим юрти раҳбариятининг пул мукофотлари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамағатимизнинг Фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



УЙИНГИЗ УЧУН «АҚЛЛИ» ТЕХНИКА

Катта маиший техникани танлашда ҳар томонлама ўйлаб ва синчиклаб ўрганиб чиқиладди. Уй ёрдамчиси ҳисобланган бундай техника узоқ йиллар давомида муттасил ишлатилиши ҳисобга олган ҳолда харид қилинади. Чунки уни сотиб олиш учун талайгина маблаг сарфланади. Бундай техникани харид қилишда қандай қилиб адашмаслик мумкин? Бу юмни танлашда савдо белгиси — маиший техника ишлаб чиқарувчисининг ишончлилиги ва донг чиқарганлиги муҳим роль ўйнайди.

Дунёга машҳур бўлган «INDESIT» ва «HOTPOINT-ARISTON» брендларининг техникаларини танласангиз, тўғри иш тутганингиздан далолат беради. Энди Тошкент аҳолиси ҳам маиший ва уй шароитига мослаштирилган катта техникаларни пойтахтда илк очилган «INDESIT» ва «HOTPOINT-ARISTON» фирма магазинида танлаш имкониятига эга бўлди.

Тошкентдаги «TURKUAZ Park» савдо мажмуасида жойлашган биринчи «INDESIT» ва «HOTPOINT-ARISTON» магазинининг расмий очилиши 23 февраль кўни бўлиб ўтди. Аънавий қизил лента кесилиб, тантанали очилиш маросими ўтказил-ганидан сўнг байрамона безатилган магазин ўз эшикларини очиб, биринчи хари-дорларни кутиб олди. Савдо павильонининг каттагина майдонига кенг ассортиментдаги барча техникалар — музлаткичлар, газ плиталари, кир ва илпш-товоқ ювиш машиналарини расталарга жойлаштириш осон кечмади.

Уй ишларида ҳеч бир нарса уларнинг ўрнини босолмайдиган, имкон даражасида сермашаққат юмушлар — кир ва илпш-товоқ ювиш вазибаларини бажарадиган, оқват тайёрлаш жараёнини осонлаштирадиган ушбу техникалар ҳаётимизни сезиларли даражада қулай, ёқимли ва осон қилади.

Магазиннинг номидан маълумки, савдо расталарига икки савдо белгиси — «INDESIT» ва «HOTPOINT-ARISTON»нинг техникалари қўйилган. Замонавий харидорни «INDESIT» савдо белгиси билан таништиришга ҳожат йўқ, Чунки у салкам 80 йиллик тарихга эга бўлиб, катта маиший техника ишлаб чиқариш бўйича жаҳон бозорига етакчи ҳисобланади.

«HOTPOINT-ARISTON» эса ўз ўрнида Италия савдо белгиси «ARISTON» ва Британия бренди «HOTPOINT»ларнинг яқинда бир-бирга қўшилиши натижасида вужудга келди. Мазкур янги савдо белгиси Британия брендининг халқаро имкониятлари ва Италия аъёнларини ўзида мужассам этган. Иккала савдо белгисининг фалсафаси шундаки, хонадон бекаларининг буш вақтлари кўп ва уй юмушлари эса кам бўлишини таъмин-лашдан иборатдир.

«INDESIT» савдо белгисининг шiori шундай янграйди: «Биз ишлаймиз — сиз дам оласиз». Ишлаб чиқарувчилар шiorларига амал қилган ҳолда ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Янги магазиндаги маиший техникалар намуналари чиройли дизайни, ихчамлиги, ишончлилиги, соддалиги ва ишлатишда қулайлиги билан ажралиб туради ва улар хонадонингиз интерьерига кўрк бериши ҳамда сизнинг ишончли ёрдамчингиз бўлиши мумкин.

Қувонарли томони шундаки, магазинда нафақат оммабоп моделлар, балки янги фирма техникалари ҳам савдо расталаридан ўрин олган. Мисол учун, янги «INDESIT Moon» ва «ARISTON Aqualtis» кир ювиш машиналари дизайнининг чиройлилиги, товуш чиқармай ҳар хил усулларда кир ювиши, турли вазибаларни бажариши билан ажралиб туради.

Янги фирма магазинида ҳар бир харидор кенг ассортиментдаги техникалардан катта-кичиклиги, ҳажми, нархи ва дидига мос келадиганини харид қилиши мумкин. Шу билан бирга «INDESIT» ва «HOTPOINT-ARISTON» техникаларини расмий тақлиф этувчи магазин харидорларга 3 йиллик кафолат сертификатини тақдим этиб, фирманинг сервис-марказида хизмат кўрсатиши ўз зиммасига олади. Шунингдек, фирмани хизмат кўрсатишга харид қилинган техникани етказиб бериш ҳамда ўрнатиш ҳам кирлади.

Айтганча, магазин очилган кунидеъ харидорлар бир неча техникаларни сотиб олдилар. Магазин очилишига бағишланган байрам акциясида биринчи харидорлар қимматбаҳо совғалар — микротўлқинли печка, дазмой, электр чойнак, чангюттич ва бошқа турли хил маиший техникаларга эга бўдилар.

Маҳсулот сертификатланган

«INDESIT» ва «HOTPOINT-ARISTON» фирма магазинининг эшиклари сизлар учун ҳар кўни соат 9.00 дан 19.00 гача очик.

предприятие
UZBARREL PRODUCTION
Совместное

Крупнейший производитель в Средней Азии

БОЧКИ ПЛАСТМАССОВЫЕ
Европейский стандарт

г. Ташкент, проспект Афросиаб, 12, сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru
Тел./факс: (99871) 252-56-01, 252-74-14

«ALOQALOYINA» МЧЖнинг «ALOQALOYINA» давлат унитар корхонасига қайта ташкил қилинаётганлиги сабабли «ALOQALOYINA» МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий вориси «ALOQALOYINA» ДУЖга ўтади. Давлолар эълон чоп этилгандан сўнг 1 ой ичнда қуйдаги манзил бўйича қабул қилинади: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24, тел: 233-32-15.

Ўзбекистон Республикаси Президентли ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти жамоаси катта илмий ходим Нодира Ҳақимовага отаси Мақсуджўжа ДАДАХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



Таржимонсиз мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси ташаббуси билан мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида турли спорт турнирлари ўтказиш аънамага айланган.

Кўни кеча вазирликнинг Қабуллар уйида Наврўз байрамига бағишлаб мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида аънавий IV шахмат турнири бўлиб ўтди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари Илҳом Нейматов мазкур турнирнинг оммавийлиги йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, асосийси, элчионалар ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мазкур мусобақада Озарбойжон, Афғонистон, Болгария, Хиндистон, Эрон, Индонезия, Қозоғистон, Кувейт, Латвия, Руминия, Россия, Украина, Чехия давлатларининг Ўзбекистондаги элчионалари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотидан ўттизга яқин ҳаваскор шахматчи голиблик учун дона сурди.

Икки кун давом этган қизгин беллашувлар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Индонезия давлатининг мамлакатимиздаги элчионасининг иккинчи жамоаси кўлга киритди. Афғонистон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги элчионаси вакиллари иккинчи, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчионаси ҳаваскор шахматчилари эса учинчи ўринни эгаллади.

— Ушбу шахмат турнирида иккинчи бор иштирок эта-япман, — дейди Афғонистон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетадаги Давлатлар Фарук Бараки. — Давлатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда спортнинг ўрни муҳимлигига ўзим яна бир бор гувоҳ бўлдим. Мусобақа баҳона қўлаб дўстларимиз билан учрашдим. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини янгилашни ва яшариш байрами билан кўтайман.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИЛЛИОНЛАР ҲИНИ

Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича мамлакат XVII миллий чемпионати олий лига ўйинларига старт берилди.

Биринчи турнинг марказий учрашуви пойтахтимиздаги янги таъмирдан чиқарилган МХСК стадионида «Пахтакор» — «Нефтичи» жамоалари ўртасида кечди. Шу кўни стадионга ўн минг нафарга яқин ишқибоз ташриф бургани кўнлиқининг футболни соғиниб қолганлиги

дан дарак берарди. Беллашув купитганидек, қизқарли курашлар остида ўтди. Биринчи бўлимнинг 33-дақиқасида Александр Гейнрих ва 62-дақиқада Дарко Маркович томонидан киритилган голлар «Пахтакор»нинг 2:0 ҳисобидаги галабасини таъминлади. Мавсум арафасида

таркибини кучли футболчилар билан бойитган «Курувчи» ўз майдонида «Навбахор»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Биринчи турдаги энг йирик ҳисоб Олмалиқда қайд этилди: ОТМК—«Шуртан» 3:0.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: «Анджон»—«Металлург» 2:0, «Қизилқум»—«Машвал» 0:0, «Бухоро»—«Локомотив» 0:0, «На-

саф»—«Динамо» 1:0, «Сўғдиёна» — «ЎзДонгЖу» 1:1.



Биринчи турда энг кўп томошабин (11000) «Анджон»—«Металлург» учрашувида ташриф бурди. Умуман, биринчи тур беллашувларини 56 минг нафардан зиёд мухлис стадионларда кузатди. Дарвозаларга 11 та тўп киритилди.

Т. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

ISO 9001:2000

CHAMPION

TARIF REJASI

2 : 0

SENT O'ZBEKISTON BO'YICHA BARCHA QO'NG'IROQLAR SO'ZLASHUVNING BIRINCHI DAQQASIDAN BOSHLAB

ABONENT TO'LOVI

COSCOM

Uyali aloqa uchun xarajatlarni hisoblashdan charchadingizmi?
Kalkulyator eng zarur narsaga aylanib qoldimi?
Tarif rejalarining ko'plab shartlari sizni adashtirib yubordimi?
Biz sizga juda ham oddiy tarifni taklif etamiz.

Hech qanday abonent to'lovi yo'q,
so'zlashuvning bir daqiqasi esa
endi haqiqatan ham **2 sent.**
Va albatta, COSCOM abonentlaridan kirish
qo'ng'iroqlari **BEPUL!**
Bu tarif haqiqiy **CHAMPION!!!**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териял ҳамда операторлар Жамшед Тоғиев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орिन.
Набатчи муҳаррир — Г. Йулдошева.
Набатчи — Ю. Бурунов.
Мусаҳҳах — Ҳ. Тошхўжаев.

Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6 7